**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ахборот-кутубхона тизимлари кафедраси

Каримов У.Ф., Раҳматуллаев М. А., Муминов Б., Каримов Ў., У.

# АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИ УЧУН ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ (ARMAT++)

Фойдаланувчилар учун йўриқнома

Тошкент – 2017

МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| ***I БОБ.*** | ***АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИДАГИ АСОСИЙ АХБОРОТ ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУР (ARMAT++)*** | |
| 1.1. | ARMAT++ дастурида фойдаланувчиларни рўйхатга олиш | 3 |
| 1.2. | Каталоглаштирувчининг АИЎда тизимдан фойдаланувчи томонидан юборилган маълумотларга ишлов бериш | 9 |
| 1.3. | Тизимда рўйхатдан ўтган фойдаланувчига тегишли маълумотларни (факультет, кафедра, курс, гуруҳ) киритиш | 11 |
| ***II БОБ.*** | ***ARMAT++ ДАСТУРИ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ*** | |
| 2.1. | ARMAT++ дастурида ҳужжатлар электрон каталогини шакллантириш | 14 |
| 2.2. | Каталоглаштирилган ҳужжат нусхаларини киритиш | 19 |
| ***III БОБ.*** | ***ФОЙДАЛАНУВЧИНИНГ АИЎда ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚИДИРИШ ВА БУЮРТМА БЕРИШИ*** | |
| 3.1. | Фойдаланувчининг АИЎда ҳужжатларни қидириш | 23 |
| 3.2. | Қидириб топилган адабиётларга буюртма  бериш | 25 |
| ***IV БОБ.*** | ***КУТУБХОНАЧИНИНГ АИЎда БУЮРТМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА БАЖАРИШ*** | |
| 4.1. | Буюртмаларни қабул қилиш | 27 |
| 4.2. | Буюртманинг бажарилиши | 30 |
| 4.3. | Адабиётларни АРМга қайтариб топшириш | 31 |
| ***VI БОБ.*** | ***КУТУБХОНА СТАТИСТИКАСИНИ ЮРИТИШ*** | |
| 5.1. | Кутубхона статистикасини юритиш | 32 |

# I БОБ. АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИДАГИ АСОСИЙ АХБОРОТ ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУР (ARMAT++)

## 1.1. ARMAT ++ тизимида фондаланувчиларни рўйхатга олиш

Тошкент ахборот технологиялари университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ва докторантлари томонидан ахборот-кутубхона муассасаларининг автоматлаштирилган тизимининг янги версияси **(ARMAT++)** ишлаб чиқилди. Тизим “Таълимда электрон таълимни жорий этиш марказининг” серверига жойлаштирилган бўлиб унга Республика ОЎЮ АРМларидан кириш мумкин.




*Ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими ARMAT++ бош саҳифаси*

Тизимнинг бош саҳифасидаги “Рўйхатдан ўтиш” тугмаси сичқонча билан чертилади ва тизимдан фойдаланувчи масофадан туриб АРМга ўзи тўғрисидаги маълумотларни юбориши мумкин. Айни пайтда фойдаланувчиларни бевосита АРМ ходими рўйхатга олиши мумкин.Қуйида масофадан туриб фойдаланувчини рўйхатга олишни кўриб чиқамиз. Тизимнинг бош саҳифасидаги “**Рўйхатдан ўтиш**” тугмасини сичқонча билан чертиб қуйидагига (1.1-расм) эга бўламиз.




*1.1-расм. ARMAT ++ тизимида фондаланувчиларни рўйхатга олиш саҳифаси*

Аутентификация, ташкилотга тегишли маълумотлар, фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар болкларига кириб фойдаланувчига тегишли маълумотларни киритиамиз. Дастлаб Аутентификация блокига тегишли маълумотларни киритишни кўриб чиқамиз. Аутентификация майдонининг ўнг томонидаги “қўшув”га сичқонча билан чертамиз ва қуйидагига эга бўламиз (1.2-расм).




*1.2-расм. Аутентификация блоки майдонлари*




*1.3-Расм. Аутентификация майдонларини тўлдириш*

Аутентификация майдонининг ўен томонидаги “айирув” минус белгисига сичқонча билан чертиб аутентификация блокини йиғиштирб қўйямиз. Ташкилотга тегишли маълумотлар блокини тўздиришга ўтамиз. Бунинг учун ташкилотга тегишли маълумотлар майдонининг ўнг томонидаги “қўшув” плюс белгисига сичқонча билан чертамиз ва майдонларни тўлдирами (1.4-расм).




*1.4-расм. Ташкилотга тегишли майдонларни тўлдириш*

Фойдаланувчи “**Ташкилотга тегишли маълумот**” майдонини тўлдиришда аввалдан тайёрлаб қўйилган менюдаги рўйхатдан тегишли қийматни белгилаб майдонга ўрнатади. Маълумотни тасдиқлаш менюсини очади ва Ҳа қиймати танланади (1.5-расм).




*1.5-расм. Ташкилотга тегишли маълумотлар майдонини тўлдириш.*

Маълумотларни тасдиқлаш майдонига “**Ҳа”** қиймати берилгач, тизим автоматик равишда “**Маълумотлар базаси”**га фойдаланувчига тегишли бўлган маълумотлар базасини ўрнатади (1.6-расм).




*1.6-расм. Ташкилотга тегишли маълумотлар блокига тегишли майдонларни тўлдириш.*

Интерфейс тили майдони тўлдирилиш учун, менюдан, фойдаланувчи ўзига мақбул бўлган интерфейс тилини танлайди.

Ташкилотга тегишли маълумотлар блокидаги барча майдонлар тўлдирилгач “**Ташкилотга тегишли маълумотлар**” блоки, майдоннинг ўнг томонидаги “айириш” минус белгисига сичқонча билан чертиш орқали йиғиштириб қўйилади.

Фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар блокидаги майдонлар тўлдирилади. Бу ердаги “туғилган кун”, “жинси”, “қўл телефони”, “иш телефони” ва “фойдаланувчининг фамилияси, исми, шарифи”, “адреси”, “шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси” майдонлари тўлдирилади (7-расм).




*1.7-расм. Фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар блокини тўлдириш*

Фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар блокидаги барча майдонлар тўлдирилгач “**Фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар**” блокининг ўнг

томонидаги “айириш” минус белгисига сичқонча билан чертиб блокни йиғиштириб қўями (1.1-расм).

“**Қўшиш**” тугмасига сичқонча билан чертсак фойдаланувчининг рўйхатдан мувофақиятли ўтгани тўғрисидаги маълумот пайдо бўлади (1.8-расм)




*1.8-расм. Фойдаланувчининг рўхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот*

Шундай қилиб, биз ARMAT++ дастурида масофадан туриб фойдаланувчига тегишли маълумотларни АРМнинг каталоглаштирувчисига юборишни кўриб чиқдик.

*ДИҚҚАТ: Фойдаланувчи АРМга аъзо бўлиши учун масофадан, ўзи тўғрисидаги маълумотларни юборгандан сўнг, АРМдан Фойдаланувчининг электрон почтасига тасдиқланган “Логин” ва “Парол” жўнатилади. Фойдаланувчи АРМдан тегишли “Логин” ва “Парол”ни олгандан сўнг ўзининг автоматлаштирилган иш ўрнига кириб ўқиётган Факультет, Кафедра, Гурух ва курси тўғрисидаги маълумотларни киритиши керак. Фақат шу ҳолдагина Фойдаланувчи тизимдан тўлиқ фойдалана олади*

## 1.2. Каталоглаштирувчининг АИЎда тизимдан фойдаланувчи томонидан юборилган маълумотларга ишлов бериш

Тизимдан фойдаланувчининг АИЎда фойдаланувчи томонидан юборилган маълумотларга ишлов бериш учун тизим таркибидаги Каталоглаштирувчининг АИЎга кириш керак. Бунинг учун тизим бош саҳифасидаги (1.1-расм) ЛОГИН ва ПАРОЛ майдонларига тегишли кийматлар киритилади ва “Кириш” тугмасига сичқонча билан чертилади (1.9-расм).




*1.9-расм. Каталоглаштирувчининг АИЎга кириш*

Натижада биз тизимнинг каталоглаштирувчига мўлжалланган автоматлаштирилган иш ўрнига кирамиз (1.10-расм). Бу ердаги “**китобхонлар**” пунктига сичқонча билан чертамиз ва тизимда рўхатдан ўтган ва тизимда рўйхатдан ўтиш учун ўз маълумотларининг АРМга юборган фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни кўрамиз (1.10-расм).

Фойдаланувчилар рўйхатидан кўринадики, қайд рақами **1** ва логин **user3** бўлган фойдаланувчининг ҳолати “**фаол**” эканлиги кўринади. Ўз маълумотларини АРМга юборган **Каримов** логинига эга бўлган фойдаланувчининг ҳолати “**ёпиқ**” ҳолатда турибди.




*1.10-расм. Фойдаланувчиларни рўйхатга олиш.*

Каталоглаштирувчи “**ёпиқ**” ҳолатдаги маълумотларни “**фаол**”га ўзгартириши яъни фойдаланувчи томонидан АРМга юборилган маълумотларни текшириб кўриб фойдаланувчини АРМда рўйхатга олиши ва унга тегишли Қайд рақамини фойдаланувчига юбориши учун “**Ўзгартириш**” тугмасини сичқонча билан чертади ва қуйидаги натижага эришамиз(1.11-расм).




| Qayd raqam | Login | Elektron pochta | Foydalanuvchining familiyasi ismi sharifi | Manzili | Yaratuvchi | Holat | 15 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | user3 | user3@user3.uz | 234234 | 234234 | cattatu | Aktiv | |
| | Каримов | ufk4@mail.ru | Каримов Улуғбек Фозилович | Тошкент ш. Юнусобод т. 7-7-2 | | Yopiq | |

*1.11-расм. Фойдаланувчи томонидан юборилган маълумотларни ўзгартириш*




*1.12-расм Фойдаланувчи томонидан юборилган маълумотларни тахрирлаш.*

Фойдаланувчи томонидан юборилган маълумотлар кутубхоначи томонидан текширилади ва 1.11-расмдаги “**Ҳолат**” майдонига “**фаол**” қиймати менюдан фойдаланиб ўрнатилади ва “**Сақлаш**” тугмаси чертилади (1.12-расм).




*1.13-расм. Фойдаланувчини рўйхатга олиш.*




| Qayd raqam | Login | Elektron pochta | Foydalanuvchining familiyasi ismi sharifi | Manzili | Yaratuvchi | Holat | 15 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | user3 | user3@user3.uz | 234234 | 234234 | cattatu | Aktiv | |
| 2 | Каримов | ufk4@mail.ru | Каримов Улуғбек Фозилович | Тошкент ш. Юнусобод т. 7-7-2 | cattatu | Aktiv | |

*1.14-расм. Тизимда рўйхатга олинга фойдаланувчилар*

Шундай қилиб, фойдаланувчилар томонидан юборилган маълумотларга Кутубхоначи томонидан ишлов берилишини кўриб чиқдик.

## 1.3. Тизимда рўйхатдан ўтган фойдаланувчига тегишли маълумотларни (факультет, кафедра, курс, гуруҳ) киритиш

Тизимда рўйхатдан ўтган фойдаланувчига тегишли маълумотларни **(факультет, кафедра, курс, гуруҳ)** тизим базасига киритиш Фойдаланувчининг АИЎ да амалга оширилади. ***Бу ишларни бажармаслик тизимдан тўлиқ фойдалана олмасликка олиб келади.***

Фойдаланувчи АРМдан олган “**логин” ва “парол**” билан тизимнинг бош саҳифасидан (1.1-расм) Фойдаланувчига ажратилган АИЎга киради (14.1-расм)




*1.14.1-расм. Фойдаланувчининг АИЎ*

Фойдаланувчига тегишли маълумотларни (Факультет, кафедра, курс, гуруҳ) тизим базасига киритиш учун Фойдаланувчининг АИЎ даги “**Муассаса маълумотлари**” пунктига сичқонча билан чертамиз ва қуйидаги натижага эга бўламиз (1.14.2-расм).




*1.14.2-расм. Фойдаланувчига тегишли маълумотларни танлаш*

Фойдаланувчи ўзининг шахсий кабинетида, яъни АИЎдаги Фойдаланувчи “**Категорияси**”, “**Факультет**”, “**Кафедра**” майдонларини тўлдириши **шарт.**

Дастлаб, Категорияси майдонини тўлдиришни кўрайлик. Бунинг учун “**Категорияси”** майдонинг ўнг томонидаги менюдан Фойдаланувчига тегишли категорияни (талаба, ўқувчи, ўқитувчи ва бошқалар) танлаймиз (1.14.3-расм).




*1.14.3-расм. Фойдаланувчига тегишли категорияни танлаш*

Сўнгра “Факультет” ва “Кафедра” майдонидаги менюдан фойдаланиб фойдаланувчига тегишли факультет ва кафедра номини танлаймиз (1.14.4-расм)




*1.14.4-Фойдаланувчига тегишли факультет ва кафедра номини танлаш*

Юқоридаги ишлар бажарилгач. Фойдаланувчининг муассасасига тегишли маълумотлар тизимнинг маълумотлар базасига киритилади (1.14.5-расм).




*1.14.5-расм. Фойдаланувчига тегишли муассаса маълумотлари*

Юқоридаги ишлар тўлиқ бажарилгач Фойдаланувчи тизимда тўлиқ рўйхатдан ўтган ҳисобланади.

Биз юқорида ARMAT++ дастурида фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини кўриб чиқдик. Тизимдан фойдаланувчиларни масофадан рўйхатга олишни йўлга қўйилиши биринчидан автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларидан фойдаланувчиларга қулайлик яратса, иккин томондан ахборот-кутубхона муассасалари ходимларининг вақтини тежайди, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати ортади.

# II БОБ. ARMAT++ ДАСТУРИ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

## 2.1. ARMAT++ дастурида ҳужжатлар электрон каталогини шакллантириш

ARMAT++ дастурида ҳужжатлар электрон каталогини шакллантириш **“Каталоглаштирувчининг”** АИЎда бажарилади. Дастлаб Каталоглаштирувчининг АИЎ ишга туширамиз бунинг учун тизим бош саҳифасининг **“логин”** ва **“парол”** майдонларига тегишли логин ва парол киритилиб **“Кириш”** тугмаси чертилади (2.1-расм).




*2.1-расм. Тизимнинг бош саҳифаси*

Натижада Каталоглаштирувчининг АИЎ бош саҳифасига кириш имкониятига эга бўламиз (2.2-расм).




*2.2-расм. Каталоглаштирувчининг АИЎ бош саҳифаси*

Каталоглаштирувчининг АИЎ ҳужжатларни каталоглаштириш учун “**Каталоглаштириш**” пунктига кирамиз, бунинг учун чап томондаги пунктлар орасидан “**Каталоглаштиришни**” танлаймиз ва сичқонча билан чертамиз Натижада тизим электрон каталогида ишлаш имкониятини берувчи дераза очилади (2.3-расм).




*2.3-расм. Каталоглаштирувчининг АИЎда каталоглаштириш*

Дастлаб, каталоглаштирилаётган ҳужжатнинг кўринишига қараб иш саҳифасини танлаймиз (2.4-расм).




*2.4-расм. Иш саҳифасини танлаш*

Фараз қиламиз каталоглаштирилаётган ҳужжат бир муаллифи, шу сабабли менюдан “**1-3 муаллифли ҳужжатларни каталоглаштириш**” танланади ва “**Яратиш**” тугмаси чертилади. Натижада бир муаллифли

ҳужжатларни каталоглаштиришга мўлжалланган майдон ва майдоностилар рўйхати пайди бўлади (2.5-расм).




*2.5-расм. Бир муаллифли ҳужжат библиографик тавсиф элементларини киритишга мўлжалланган майдон ва майдоностилар*

Бир муаллифли ҳужжатнинг библиографик тавсиф элементларини тизимнинг майдон ва майдон остиларига киритиш ARMAT++ дастурида ARMAT-U дастуридагига ўхшаш. Каталоглаштириш MARC 21 формати талаблари асосида бажарилади (2.6-расм).




*2.6-расм. Тизимнинг майдон ва майдоностиларига бир муаллифли ҳужжат тавсиф элементларини киритиш*

Тизимнинг майдон ва майдоностиларига бир муаллифли ҳужжат тавсиф элементларини киритиб бўлингач “**Кўриш**” тугмасини чертамиз ва қуйидаги эга бўламиз (2.7-расм). Бу ерда бир муаллифли ҳужжат библиографик тавсиф элементларини тўғри киритилганлигини текшириб кўриш мумкин. Барча майдонлар тўғри киритилган бўлса “**Сақлаш**” тугмасини чертамиз. Натижада бир муаллифли ҳужжат билиографик тавсиф элементлари тизимнинг электрон каталогига киритилганлигини кўрамиз (2.8-расм)




| Майдон ва майдоности | Изоҳ | Майдонга ёзиладиган маълумот |
|---|---|---|
| 40 - b | Til kodi | rus |
| 41 - a | Nash tili | rus |
| 100 - a | Familiya ism sharif | Мелодиев А. О. |
| 100 - e | Shaxs roli | author |
| 245 - a | Asosiy sarlavha | Разработка системы автоматизации учета кредитных операций на базе Windows платформы |
| 245 - b | Sarlavha davomi | |
| 245 - h | Fizik tashuvchi | 001 |
| 260 - a | Nashr qilingan joy | Ташкент |
| 260 - c | Nashr etilgan yil | 2016 |
| 300 - a | Hajm | 80 с |
| 700 - a | FISH | Мурзанов Р. |
| 700 - e | Shaxs roli | scientific adviser |
| 901 - t | Hujjat tipi | B |
| 920 - a | Sarlavha grafikasi | null |
| 927 - a | Xujjat turi | null |

*2.7-расм. Киритилган библиографик тавсиф элементларини текшириш*




*2.8-расм. Бир муаллифли ҳужжат тавсифини электрон каталогдаги кўриниш*

## 2.2. Каталоглаштирилган ҳужжат нусхаларини киритиш

Каталоглаштирилаётган ҳужжат нусхаларини киритиш учун библиографик тавсифнинг **“нусхалар сони”**ни кўрсатувчи белгига (2.9-расм) четрамиз ва каталоглаштирилаётган ҳужжатнинг нусхаларини киритиш имкониятига эга бўламиз (2.10-расм).




*2.9-расм. Нусхаларини киритиш тугмаси*

Бу ердаги “Нусха қўшиш” тугмасини босиш орқали каталоглаштирилаётган ҳужжат нусхаларини киритиш имкониятига эга бўламиз.




*2.10-расм. Каталоглаштирилаётган ҳужжатнинг нусхалар рўйхати*

Каталоглаштирилаётган ҳужжат нусхалари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги майдон ва майдоностиларга киритилади (2.11-Расм).




*2.11-расм. Каталоглаштирилаётган ҳужжатнинг нусхалари тўғрисида маълумотлар киритишга мулжалланган майдонлар*

Каталоглаштирилгаётган ҳужжат нусхаларига тегишли маълумотлар киритилгач “**Қўшиш**” тугмаси чертилади ва нусхалар тўғрисидаги маълумот тизим электрон каталог маълумотлар базасига киритилади. Каталоглаштирилаётган нусхалар рўйхати қуйидаги (2.12 расм)да келтирилган

Нусха қўшиш | E-Catalog

Элементлар 1 - 10 дан 10

| | Инв | Штрих код | Сана | Нархи | Қўшимча қиймат солиғи | Number Nakl | Found | Id Rec Status | 1 ▼ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 15 | 15 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 2 | 16 | 16 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 3 | 22 | 22 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 4 | 38 | 38 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 5 | 39 | 39 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 6 | 40 | 40 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 7 | 41 | 41 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 8 | 45 | 45 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 9 | 47 | 47 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |
| 10 | 48 | 48 | 2017-01-29 | 3000 | 3500 | | Асосий фонд | Saqlash joyida | |

*2.12-расм. Ҳужжатнинг нусхалар тўғрисидаги маълумотлар*

Нусхалар тўғрисидаги маълумотлар киритилгач “Электрон каталог” тугмасини чертиш орқали каталоглаштирилган ҳужжатлан АРМда бир нусха борлигини кўрамиз (2.13-расм).

Қўшиш

Элементлар 1 - 15 дан 2581

Кейинги саҳифага ўтиш 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

| | ☐ | КОД | Ёзув | Нусхалари | Сони | Тўлиқ матн | 15 ▼ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ☐ | 2755 | **Мелодиев, А. О.** Разработка системы автоматизации учета кредитных операций на базе Windows платформы : [text]: ТУИТ Информатика ИКТ: / А. О. Мелодиев, Р. Мурзанов ; scientific adviser Р. Мурзанов ; 5330200. - Ташкент: 2016: . - 80 с. Мурзанов, Р. /scientific adviser/ | | 10 | | |
| 2 | ☐ | 2754 | **Solijonov, J. N.** Android tizimida mehmonxonadan online joy band qilish dasturiy ta'minotini ishlab chiqish :BMI [001]/ J. N. Solijonov- Toshkent: 2016: . - 32 b. | | 0 | | |

*2.13-расм. Каталоглаштирилган ҳужжатнинг нусхаси тўғрисидаги маълумот*

Юқорида келтирилган усулда ARMAT++ дастурида турли кўринишдаги ҳужжатларни каталоглаштириш мумкин.

Шундай қилиб биз ARMAT++ дастурида турли кўринишдаги ҳужжатларни каталоглаштиришни кўриб чиқдик. Шундай усулда, таклиф этилаётган дастурдан фойдаланиб барча кўринишдаги ҳужжатларни MARC 21 халқаро формати талаблари асосида каталоглаштириш мумкин.

ARMAT++ дастурида турли кўринишдаги ҳужжатларни каталоглаштиришда динамик ва статик маълумотномалардан фойдаланиш каталоглаштириш жараёнини тезлаштиради хатоликларни олдини олади бу эса ўз навбатида сифатли библиографик ресурслар яратиш имкониятини беради.

# III БОБ. ФОЙДАЛАНУВЧИНИНГ АИЎда ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚИДИРИШ ВА БУЮРТМА БЕРИШ

## 3.1. Фойдаланувчининг АИЎда ҳужжатларни қидириш

ARMAT++ дастурининг фойдаланувчига мўлжалланган АИЎ ҳужжатларни қидириш уларга буюртмалар бериш учун Фойдаланувчининг АИЎ ишга туширилади. Бунинг учун тизимнинг бош саҳифасидаги “**Логин” ва “Парол”** майдонларига тегишли маълумот киритилади ва “**Кириш**” тугмаси сичқонча ёрдамида чертилади (3.1-расм).




*3.1-расм. Тизимнинг бош саҳифасидан фойдаланувчининг АИЎга кириш*

Натижада биз тизимдан фойдаланувчига мўлжалланган АИЎга кирамиз (3.2-расм)




*3.2-расм. Фойдаланувчининг АИЎ*

Фойдаланувчининг АИЎда ҳужжатларни қидириш учун "Кенгайтирилган қидириш" тугмасини чертамиз (3.2-расм). Натижада дастурнинг электрон каталоги орқали адабиётларни қидириш имкониятига эга бўламиз (3.3-расм).




*3.3-расм. Тизимнинг электрон каталоги маълумотлар базасидан адабиётларни қидириш*

Фараз қиламиз Фойдаланувчи "Ахборот-ресурс марказини ахборотлаштириш" сарлавҳали китобни қидираётган бўлсин. Бундай ҳолда у 3.3-расмдаги "**Сарлавҳа**" майдонига "Ахборот-ресурс марказини ахборотлаштириш" жумласини киритади ва "**Излаш**" тугмасини сичқонча билан чертади (3.4-расм).




*3.4-расм. Фойдаланувчига керакли адабиётни излаш*

Натижада Фойдаланувчи томонидан берилган сўровга мос адабиётлар рўйхати электрон каталогда кўринади (3.5-расм)




*3.5-расм. Фойдаланувчининг сўровига мос, излаб топилган адабиёт*

### 3.2. Қидириб топилган адабиётларга буюртма бериш

Махкур адабиётга буюртма бериш учун тавсифнинг чап томонидаги квадратчага сичқонча билан белги қўямиз ва “**Буюртма бериш**” тугмасига сичқонча билан чертамиз (3.6-расм).




*3.6-расм. Адабиётга буюртма бериш*

Натижада тизим томонидан излаб топилган адабиётга буюртма берилганлиги тўғрисида маълумот экранда акс этади (3.7-расм).




*3.7-расм. Фойдаланувчи томонидан берилган буюртманинг қабул қилиниши.*

Фойдаланувчи бир маротаба берган буюртмасига яна такрорий равишда буюртма берганда тизим бундай буюртмани қабул қилмайди (3.8-расм).




*3.8-расм. Такрорий берилган буюртманинг қабул қилинмаслиги*

Шундай қилиб, Фойдаланувчи томонидан изланаётган адабиётни қидириш ва унга буюртма беришни кўриб чиқдик.

# IV БОБ. КУТУБХОНАЧИНИНГ АИЎДа БУЮРТМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА БАЖАРИШ

## 4.1. Буюртмаларни қабул қилиш

Тизимдан фойдаланувчилар томонидан қидириб топилган адабиётларга берилган буюртмалар Кутубхоначининг АИЎ келиб тушади. Кутубхоначи фойдаланувчи томонидан берилган буюртмани қабул қилинганлиги тўғрисида Фойдаланувчига ахборот беради, буюртма берилган адабиёт фондда бор булса Кутубхоначи Фойдаланувчига бу тўғрисида хабар беради. Бундай хабарни олган Фойдаланувчи АРМга келиб ўзи буюртма берган китобни АРМдан олади. Бу ишларнинг барчаси автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими (ARMAT++) тизимининг Кутубхоначининг АИЎда бажарилади.

Кутубхоначилинг АИЎни ишга тушириш учун тизим бош саҳифасининг "**Парол" ва "Логин"** майдонларига тегишли қийматлар берилади ва "**Кириш**" тугмаси сичқонча билан чертилади (4.1).




*4.1-расм. Кутубхоначининг АИЎга кириш*

Натижада Кутубхоначининг АИЎга кириш имкониятига эга бўламиз. Кутубхоначининг АИЎда "**Буюртмалар билан ишлаш**", "**Адабиётларни бериш**", "**Махсус буюртмалар билан ишлаш**", "**Адабиётларни қайтариб**

**олиш**”, “**Қарздорлар**” билан ишлаш, “**Ҳисоботлар**” тайёрлаш ва тизим электрон каталогидан адабиётларни қидириш функциялари бажарилади.




*4.1.1-расм. Кутубхоначининг АИЎ*

Кутубхоначининг АИЎда буюртмалар билан ишлаш “**Буюртмалар**” тугмасини чертиш орқали бошланади.(4.1.1-расм). Кутубхоначи “**Буюртмалар**” тугмасини чертганда Фойдаланувчилар томонидан берилган буюртмалар рўйхатини кўрамиз (4.2-расм).




*4.2-расм. Фойдаланувчи томонидан берилган буюртма*

Кутубхоначи “Буюртмани” қабул қилганини тизимдан фойдаланувчига билдириши учун тавсифнинг чап томонидаги квадратчага (4.3-расм) сичқонча билан белги қўйиб тизим интерфейсининг пастки қисмидаги менюлан “Қидирилмоқда” сўзини танлайди. Кутубхоначи томонидан бу ишнинг бажарилиши, Фойдаланувчига “Буюртманинг қабул қилинганлигини билдиради (4.3-расм).




*4.3-расм. Фойдаланувчига буюртманинг қабул қилинганлиги тўғрисида хабар бериш*

Агар биз Фойдаланувчининг АИЎдаги “Шахсий кабинетга”га кирсак у ерда буюртманинг “Қидирилаётганлиги” тугрисидаги хабарни кўрамиз (4.4-расм).




*4.4-расм. Буюртманинг қабул қилинганлиги тшғрисидаги маълумот*

Кутубхоначининг АИЎдаги “Буюртмалар” пункитидаги менюдан “**тайёр**” сўзи танланганда Фойдаланувчининг АИЎдаги “Шахсий кабинетда”ги “**Қидирилмоқда**” статуси “**тайёр”**га ўзгаради. Бу билан Кутубхоначи Фойдаланувчига берилган буюртмани олиб кетиши мумкинлиги тўғрисида хабар бергани бўлади. Бундай хабарни олган Фойдаланувчи АРМга келиб ўзи берган буюртмани олиб кетиши мумкин.

## 4.2. Буюртмаларнинг бажарилиш

АРМга келган Фойдаланувчига буюртма берилган адабиётни бериш учун Кутубхоначи тавсифнинг ўнг томонидаги квадратчага сичқонча билан белги қўяди ва “**Буюртмани бажариш**” тугмасини чертади (4.5-расм).




*4.5-расм. Буюртмани бажариш*

Натижада қуйидагига эга бўламиз (4.6-расм). Дастлаб “Китобхон” тугмаси чертилади ва буюртманинг ким томонидан берилгани текширилади (4.7-расм)




*4.6-расм. Буюртмага ишлов бериш*




*4.7-расм. Китобхон тўғрисида маълумот*

АРМга келган Фойдаланувчи ва Фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотда келтирилган фотосурат бир бирига ўхшаса АРМ Фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Акс ҳолда АРМ ходими АРМга келган Фойдаланувчига адабиётни бермасликка хаққи бор. Текширув тугалланган

“**Интентар**” майдонига берилаётган адабиётнинг инвентар рақами менюдан танлаб ўрнатилади, Адабиётни қайтариш муддатини ўзгартириш мумкин сўнгра “**Буюртма бажариш**” тугмаси чертилади. Натижада қуйидаги формани принтерда чоп қилиш имконияти яратилади. Бу ердаги “print” тугмасини чертиш орқали формачи босиб чиқариш мумкин. Фойдаланувчи принтердан чиққан формага имзо қуйиб уни Кутубхоначига беради, Кутубхоначи Фойдаланувчига буюртма берилган адабиётни беради.

### 4.3. Адабиётларни АРМга қайтариб топшириш

Фойдаланувчилар томонидан АРМдан олинган адабиётларни қайтариб олиш Кутубхоначининг АИЎда бажарилади. Кутубхоначи ўзининг АИЎда “**Адабиётларни қайтариш**” пункитига киради.




*4.8-расм. АРМдан олинган адабиётни қаабул қилиш*

АРМдан олинган адабиётни қайтариб олиш учун тавсифнинг чап томонидаги квадратчага сичқонча билан белги қўйилади ва “**Қабул қилиш**” тугмаси чертилади. Натижада қуйидагига эга бўламиз (4.9-расм).




*4.9-расм. Фойдаланувчи томонидан олинган адабиёт қайтариб топширилди.*

Шундай қилиб, биз Фойдаланувчи томонидан АРМда олинган адабиётни қайтариб топширилишини кўриб чиқдик.

# V БОБ. КУТУБХОНА СТАТИСТИКАСИНИ ЮРИТИШ

## 5.1. Кутубхона статистикасини юритиш

ARMAT++ дастурида кутубхона статистикасини юритиш Каталоглаштирувчининг АИЎда бажарилади. Бунинг учун Каталоглаштирувчининг АИЎни ишга туширамиз ва “**Хисоботлар**” пунктига кирамиз (5.1-расм).




*5.1-расм. Кутубхона статистикаси бўлими*

АРМ фонди тўғрисидаги ҳисоботни олиш учун “Фонд” сўзининг ўнг томонидаги “**қўшув**” плюс белгисига сичқонча билан чертамиз ва АРМ фонди тўғрисидаги статистик маълумотларга эга бўламиз (5.2-расм)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юрти АРМининг 2017 йилдаги асосий иш фаолиятини белгиловчи кўрсаткичлари ( TATU )

ФОНД

ExportToWord

ФОНД

| Фонд жами (номи/нусха) | Шундан | Шундан | | | | | | | | | | Чет эл адабиётлари (номи/нусха) | Китоб айри-бошлаш фонди(номи/нусха) | Электрон ресурслар (номи) (Mb) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Электрон нашрлар (номи/нусха) | Илмий адабиётлар | | Дарсликлар | | Ўқув қўлланмалар | | Бадий адабиётлар | | Бошқа адабиётлар | | | | |
| | | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| Жами 2583 / 0 | Жами 1340 / 0 | Жами 2575 / 0 | Жами 1338 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 1 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 1223 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 2552 / -382755676 |
| Ўзбек тили 788 / 0 | Ўзбек тили 360 / 0 | Ўзбек тили 785 / 0 | Ўзбек тили 359 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 783 / 783 |
| Шундан лотин алифбоси 572 / 0 | Шундан лотин алифбоси 357 / 0 | Шундан лотин алифбоси 571 / 0 | Шундан лотин алифбоси 357 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 558 / 558 |

*5.2-расм. АРМ фонди тўғрисидаги маълумотлар*

АРМга йил давомида олинган адабиётлар тўғрисидаги ҳисоботни олиш учун "Йил давомида олинган адабиётлар" жумласининг ўнг томонидаги **"қўшув"** плюс белгисига сичқонча билан чертамиз ва керакли хисоботга эга бўламиз (5.3-расм)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юрти АРМининг 2017 йилдаги асосий иш фаолиятини белгиловчи кўрсаткичлари ( TATU )

ФОНД +

Йил давомида олинган адабиётлар −

ExportToWord

Йил давомида олинган адабиётлар

| Фонд жами (номи/нусха) | Шундан | Шундан | | | | | | | | | | Чет эл адабиётлари (номи/нусха) | Электрон ресурслар (номи) (Mb) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Электрон нашрлар (номи/нусха) | Илмий адабиётлар | | Дарсликлар | | Ўқув қўлланмалар | | Бадий адабиётлар | | Бошқа адабиётлар | | | |
| | | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | | |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| Жами 2583 / 0 | Жами 1340 / 0 | Жами 2575 / 0 | Жами 1338 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 1 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 1223 / 0 | Жами 2552 / -382755676 |
| Ўзбек тили 788 / 0 | Ўзбек тили 360 / 0 | Ўзбек тили 785 / 0 | Ўзбек тили 359 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 783 / 783 |
| Шундан лотин алифбоси 572 / 0 | Шундан лотин алифбоси 357 / 0 | Шундан лотин алифбоси 571 / 0 | Шундан лотин алифбоси 357 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 558 / 558 |

*5.3-расм. АРМга йил давомида олинган адабиётлар*

Берилган китоблар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа статистик ҳисоботлар юқорида кўрсатилгандек ташкил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юрти АРМининг 2017 йилдаги асосий иш фаолиятини белгиловчи кўрсаткичлари ( TATU )

ФОНД +

Йил давомида олинган адабиётлар +

Китобхон ва Китобхонлар давомати +

Берилган китоблар −

ExportToWord

Берилган китоблар

| Фонд жами (номи/нусха) | Шундан | Шундан | | | | | | | | | | Чет эл адабиётлари (номи/нусха) | Электрон ресурслар (номи) (Mb) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Электрон нашрлар (номи/нусха) | Илмий адабиётлар | | Дарсликлар | | Ўқув қўлланмалар | | Бадий адабиётлар | | Бошқа адабиётлар | | | |
| | | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | Жами (номи/нусха) | Шундан Электрон нашрлар (номи/нусха) | | |
| 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | 53 | 54 | 55 | 56 | 57 | 58 | 59 |
| Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 | Жами 0 / 0 |
| Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 | Ўзбек тили 0 / 0 |
| Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 | Шундан лотин алифбоси 0 / 0 |

Ўқитувчиларга берилган китоблар +

Ахборот-ресурс маркази ходимлари +

*5.4-расм. АРМ фойдаланувчиларига йил давомида берилган адабиётлар*

Шундай қилиб биз Кутубхона статистик маълумотларини ААКТ ёрдамида тузишни кўриб чиқдик.